Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 5-aprel, shanba № 43 (3392)

Ижод завқи

Кулол Файзулла Жўрабековни жиззахликлар оддий лойдан нафис буюмлар, турли ҳолатлар акс этган ҳайкалчалар ясайдиган моҳир уста сифатида яхши билади.

Айни пайтда ушбу ҳунарни замонавий шаклда такомиллаштириш устида изланаётган уста ўнлаб ёшларга кулолчилик сирларини ҳам ўргатмоқда.

Суратда: *Файзулла Жўрабеков.*

Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат

Касаба уюшма ҳаёти

Яқинда бир гуруҳ самарқандлик касаба уюшма фаоллари Қашқадарёга ташриф буюришди. Меҳмонлар дастлаб Қарши шаҳридаги Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳида бўлишди. Шундан сўнг икки вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументи пойига гулчамбар қўйдилар. Саёҳат давомида Муборак туманидаги Хўжа Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий қадамжоси зиёрат қилинди.

Тажриба алмашув

ҳар икки томон учун фойдали бўлди

Чўлнинг қоқ ўртасида қад кўтарган Муборак шаҳри меҳмонларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Улар йирик саноат корхоналаридан бўлган «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида бўлиб, касаба уюшма фаолияти билан яқиндан танишишди.

Шундан сўнг томонлар бутун эътиборни қатор соҳаларда тажриба алмашишга бағишладилар. Жумладан, касаба уюшма ташкилотларининг устав бўйича фаолиятини намунали ташкил этиш, нодавлат сектори корхона, ташкилотларини касаба уюшмаларига жалб қилиш борасидаги тажрибалар ўртоқлашилди. Шунингдек, туризмни ривожлантириш, ҳудудий ва тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларининг ижроси бўйича маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилот ва иш берувчилар билан касаба уюшмаларининг ҳамкорликдаги ишлари бўйича фикр алмашинди.

— Дўстона тажриба алмашув ҳар икки томон учун ғоят фойдали бўлди, — деди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров. — Бундан ташқари, касаба уюшма фаоллари Қашқадарё вилоятининг диққатга сазовор жойларини, муборак қадамжоларини зиёрат қилишди. Қарши шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари кетаётгани эътиборимизни тортди.

Бу каби тажриба алмашув тадбирларини республиканинг бошқа вилоятлари билан ҳам йўлга қўйиш асло фойдадан холи бўлмайди, деган фикрга келинди.

— Самарқанддан Қашқадарёга 26 нафар касаба уюшма фаоллари, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашлари масъул ташкилотчилари келди, — деди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Усмон Каримов. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси VI Қурултойи қарорлари ижросини таъминлаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ва бошқа қатор соҳаларда тажриба алмашдик.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида жорий йилда 237 та саноат йўналишидаги лойиҳалар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

ИСТИҚБОЛЛИ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ

Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ҳомийлигида Зафаробод туманида янги цемент заводи ишга тушди. Натижада, 450 киши ишли бўлди.

Эътиборлиси шундаки, янги корхона тўла маҳаллий хом ашё ҳисобига ишламоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, бир ярим чақирим масофада жойлашган Балиқли кўли ва Кўтармадан келтириладиган оҳактош хомашё захираси 150 йилга етади.

Йилига 350 минг тонна оқ цемент, 760 минг тонна потлант цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотининг етмиш фоизи экспортга мўлжалланган.

Корхонагача пўлат излар ётқизилгани ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишига хизмат қилаётир.

Яқин кунларда корхонанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши кутилмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

НАМАНГАН

Касаба уюшма кенгашлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, туман ҳокимлиги ҳамда прокуратураси ҳамкорлигида Уйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

ЯРМАРКА ОРҚАЛИ

Унда 105 корхона, ташкилот ва муассаса икки юзга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркага ташриф буюрган 850 кишидан 125 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди. Улардан 62 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Шунингдек, 236 нафар коллеж битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзоланди.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шу куни уйда қорамол боқишни йўлга қўйган ёхуд томорқасидан омилкорлик билан фойдаланаётган 10 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари очилиб, касаба уюшма ҳисобига олинди.

Қодир МАВЛОНОВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси

Бандлик

Қорақалпоғистон Республикаси бандликка кўмаклашувчи туман марказларида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурининг бажарилиши бўйича ибратли ишлар олиб борилмоқда.

МАРКАЗЛАР МАДАДИ

Айниқса, Қўнғирот туманидаги марказ фаолияти таҳсинга лойиқ. Жорий йилда ҳудудий дастур асосида 3505 фуқарони иш билан таъминлаш режага киритилган эди. Иш ўринлари асосан янги объектларни ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш ва қайта таъмирдан чиқариш, кичик корхона ҳамда микрофирмаларни ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари қошида касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан очилиши белгиланган.

— Жорий йилнинг ўтган ойлари учун белгиланган режа ортиғи билан бажарилди, — деди марказнинг етакчи мутахассиси Муҳаммад Али Турғонбоев. — Яъни, 528 нафар фуқаро бандлик мақомига эга бўлди.

Шу кунларда Уст-юрт газ-кимё комплексида қурилиш ишлари жадал суръатда бормоқда. Бу ерда Жанубий Кореянинг «Hyunday Engineering», «Samsung Engineering», «Hanjun GS» ва бошқа компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Қўнғирот туманидан 639 киши комплекс қурилишида қатнашаётир. Ушбу мажмуада ишлаётган ҳамюртларимиз сони 1900 нафардан ортади.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Тадбиркорлик

«Ширин кулча» — дастурхон кўрки

Когон шаҳрида замонавий технология билан жиҳозланган кичик бизнес субъектлари яна биттага кўпайди. Аҳоли зич жойлашган Амир Темур кўчасида «Ширин кулча» новвойхонаси ишга тушди.

«Когон дон маҳсулотлари» ОАЖ қошида ташкил этилган цех Германиянинг «Wachtel» русумли дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда бир кеча-кундузда 2 тоннагача унни қайта ишлаш имкони мавжуд. Дастлабки босқичда 8 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, кейинги ойларда уларнинг тури 15 тага етади. Шунингдек, новвойхона ҳузурида савдо дўконининг ташкил этилгани харидорлар учун яна бир қулайлик бўлди.

— Ходимлар етарли тажриба ва малакага эга, — дейди новвой Умида Муродова. — Янги ва замонавий ускуналарда ишлаш бизга маҳсулот сифатини кескин яхшилаш имкониятини бермоқда. Келгусида цехни тўла қувват билан ишга тушириш, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ҳамда 8 нафар коллеж битирувчисини сафимизга қўшишни режалаштирганмиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Суратда: *новвойлар Умида Муродова, Нодира Комилова ва Манзура Бобоевалар иш устида.*

9 апрел — Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қатъий ва ташаббускор саъй-ҳаракатлари билан бошқа соҳалар қатори бой меросимиз, тарихимизга, улуғ аждодларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, яъни ҳар бир нарсага адолат кўзи билан қаралиб, асл тарихни тиклаш, ўтмишда жаҳон тамаддунида ўзига хос муносиб из қолдирган боболаримизнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Амир Темур номи қайта тикланиб, унинг фаолиятини ўрганишга ва оммалаштиришга кенг йўл очилди.

Миллий ғурур тимсоли

1996 йил Ўзбекистонда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. ЮНЕСКО қароргоҳида буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталиги бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор, Франция Республикаси Президенти Жак Ширак ва Президентимиз Ислом Каримов иштирок этдилар. Париж шаҳрида бўлиб ўтган бу тантаналар ўзининг кенг кўлами ва буюк Амир Темурга кўрсатилган катта эҳтиром рамзи сифатида тарихга айланди ва унинг ёрқин саҳифалари зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Худди ўша 1996 йилнинг 14 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташкил этилди. Қарор кенг жамоатчилик томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди. Мана шундай нуфузли жамғарманинг ташкил этилгани, унинг ривожига кенг йўл берилгани бутун халқимиз, айниқса, темуршунослар учун қувонарли ҳол эди, албатта.

Президентимизнинг музейнинг очилиш пайтида: «Мана, Темурийлар тарихи Давлат музейини очдик. Лекин шу қилган ишларимиз қай даражада фойда беряпти? Ана шу тўғрида чуқурроқ ўйлаб кўришингизни, бу ерни тарихчи олимлар, ёзувчилар, зиёлилар, умуман, илм аҳли йиғилиб, қатор муҳим илмий ишларни амалга оширадиган, жуда катта илм, маърифат, маданият ўчоғига айлантириб беришларингизни хоҳлардим», деган сўзлари ҳамон акс садо бериб турибди.

Ўтган 18 йил давомида жуда кўплаб тарихчи олимлар, манбашунослар, археологлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилди, анжуманлар, халқаро аҳамиятга молик йиғинлар ўтказилди, Амир Темур ва Темурийлар ҳаётига оид муҳим манбалар тўпланиб, ҳар томонлама ўрганилди, бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг орзулари амалга ошиб, Темурийлар тарихи Давлат музейи чиндан ҳам илм-фан ва маданият ўчоғига айланди.

1996 йилнинг 8-9 апрел кунларида Қарши шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида фондининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Ниҳоят, 70 йиллик шўроларнинг тазйиқларидан сўнг илк бор ташкил этилган бу катта анжуман нафақат тадбир иштирокчилари, балки бутун мамлакат аҳлида катта таассурот қолдирди. Халқ ўз аждодлари ҳақидаги ҳақиқатни соғинган ва унга муштоқ эди, бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи ўзининг ҳақиқий сарчашмаларидан баҳра ола бошлаган эди.

Мустақиллик темуршунос ижодкорлар, олимларга ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Б.Аҳмедов «Амир Темур» тарихий биографик романини, Абдулла Орипов «Амир Темур» пьесасини, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али «Улуғ салтанат» тетралогиясини, Тўлқин Ҳайит Амир Темурнинг суюкли рафиқаси Ўлжой Туркон оқа ҳақидаги «Вафо маликаси» романини ёзди. Хуллас, Соҳибқирон сиймоси кўплаб ёзувчи, шоирларга илҳом манбаи бўлиб қолди.



ЎзА суратлари

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Ishonch
2014-yil 5-aprel № 43 (3392)

Иш билганга минг танга

Соҳибкор ака-укалар

Сариосиё туманидаги «Ёқутли боғ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 703 та хонадон бор. Уларда 4181 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳли бошқалардан тадбиркорлиги, ишбилармонлиги билан ажралиб туради. Яқинда бўлиб ўтган сайловда эл ҳамжиҳатлик билан Тоҳир Шаймардоновни маҳалла оқсоқоллигига сайлади.

Бу бежиз эмас. У маҳалла фарзанди. Анча йиллардан бери йиғин котиби вазифасида ишлаб, обрў қозонган. Қайси хонадонда ким яшайди, нима билан шуғулланади, ҳаммасини яхши билади. Энг муҳими, хушмуомала, одамлар қалбига йўл топиш қобилиятига эга.

У янги лавозимга сайлангандан сўнг ишни ишбилармонлик муҳитини яхшилашдан бошлади. Чунки, маҳалла туман марказидан бирмунча олисда жойлашган. Аҳолининг асосий тирикчилиги томорқадан. Шунинг учун катта-ю кичик 73,5 гектар майдоннинг бирор қаричини бўш қолдирмасликка, даромад берадиган экин турларини экиб, турмушларини фаровон этишга интилишади.

Айниқса, иссиқхона барпо этиб, лимон, гул, эртаги сабзавот экиш русумга кирган. Тоҳир Шаймардоновнинг айтишича, ҳозир маҳалладаги 59 хонадонда иссиқхона ташкил этилган.

Бу борада ака-ука Авазовларнинг ошиғи олчи. 18-умумтаълим мактабида директорлик қилаётган Саидали оладиган маошига кўз тикиб ўтирмайди. Томорқасининг 15 сотихида иссиқхона барпо этган. Лимон, помидор, бодринг, булғор қалампири етиштириб, йилига бир неча миллион сўм фойда кўради. У тадбиркорликни мактабга ҳам кўчирган. Муаллимлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 4 сотих майдондаги иссиқхонадан олинаётган даромади синфхоналарни таъмирлашга, ўқув жиҳозлари харид қилишга ҳамда энг аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланаяпти.

Укасидан ибрат олган Алламурод ҳам 6 сотих майдонда иссиқхона ташкил этган. Бугун унинг иссиқхонасида яшнаб турган 70 туп лимон дарахтининг ҳар бири 50-60 килограмгача ҳосил берадиган ҳолатга етди. Оила аъзоларининг саъй-ҳаракати билан ўтган йили иссиқхонадан 3,5 тонна лимон териб олинди. Лекин, олинган маҳсулотни улгуржи олгани келган харидорларга сотишмади. Чунки, ўша пайтда лимоннинг килоси 3,5 ёки 4 минг сўм турарди.

— Агар пулга қизиқиб сотиб қўйганимизда, кўпи билан 14 миллион сўмга эга бўлардик, — дейди Алламурод Авазов. — Биз фақат меҳнат қилишни, маҳсулот етиштиришнигина эмас, бозор талабини ўрганиб, уни қимматроқ нархда сота билишни билмоғимиз керак. Шунинг учун етиштириладиган ҳосилни сақлашга ва мақбул нархларда сотишга ўрганаяпмиз.

Дарвоқе, Алламурод Авазовдан ўрнак олаётган бошқа томорқачилар ҳам маҳсулотни сақлашнинг турли чораларини кўришаяпти. Масалан, Алламурод ака ҳовлисининг бир четига махсус омборхона қурган. Унинг эни 8 метр, бўйи 15 метр, чуқурлиги 4 метр. Ўранинг деворлари нурамаслиги учун 35 сантиметр қалинликда, баландлиги 4 метр бетон девор билан қопланган. Усти бетон плиталар билан ёпилган. Бу қўлбола омборхонада йил ўн икки ой ҳарорат мўътадил сақланади. Ноябр ойида узилган лимонларнинг ҳар бири целлофан халтачаларга жойлаштирилиб, ичига ёғоч қириндиси солинган картон қутиларга жойлаштирилгач, узоқ муддат бузилмай туради.

Алламурод қутиларни очиб, лимонларни кўрсатди. Ҳаммаси ҳозиргина дарахтдан узилгандай турибди.

— Яна 15 кундан сўнг лимоннинг килоси 10 минг сўмдан ошади. Ана шундан кейин сотамиз. Шунда камида 35 млн. сўм даромад қиламиз, — дейди Алламурод ака.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, иссиқхонасида лимон ўстираётган қишлоқ миришкорларининг деярли барчаси Авазовдек иш тутмоқда. Шавкатилло Бобомуродов томорқасининг 16 сотихли иссиқхонасида 120 туп лимондан ўтган йили 4,5 тонна ҳосил йиғиб олиб, ҳалигача сақлаб турибди.

Маҳалладагиларнинг Алламурод Авазовдан ибрат оладиган томонлари кўп. У томорқасида «Юка», «Вашингтон», «Агава», «Палма» сингари уруғи хориждан келтирилган гулларни ўстириб, ўтган йили ноябр ойи охири ва декабр ойи бошларида 2,5 млн. сўмга сотди.

Алламурод боғбон лимон дарахти кўчатини етиштириш бўйича ҳам кўпларга устозлик қилмоқда. Ҳар йили лимон кўчатидан уч миллион сўмгача даромад қилади. Айни пайтда томорқасининг бир четида 500 туп ёш лимон кўчати сотиш учун етилиб турибди. Унинг сифатли,пайвандли кўчатлари қишлоқдошларидан ортмаяпти.Чунки,ҳозир айни кўчат ўтказадиган палла-да.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Томорқа ҳам хазина

Ҳовос тумани Соҳибкор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Соҳибкор» маҳалласида истиқомат қилувчи Эгамқул Жумабоев тиниб-тинчимас кишилардан. Унинг жонкуярлиги, ишбилармонлиги оила аъзоларига ҳам ўтган.

— Биз яшаётган жойда сув танқис, — дейди Эгамқул Жумабоев. — Шундай бўлса-да, ҳар хил кўкатлар ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, мўъжазгина иссиқхонада ўстирилаётган лимонлар катта даромад келтираяпти.

Қарийб йигирма йилдан буён лимон етиштириш билан шуғулланаётган тадбиркор меҳнати самарасидан мамнун. Иссиқхонада уч юз тупдан ошиқ лимон дарахти мавжуд. Улардан ҳар йили олинаётган соф даромад 12-15 млн. сўмдан ошади. Оилада ўтказилаётган тўй-томошалар, дастурхондаги тўкинчилик ҳам шу томорқадан олинаётган даромад ҳисобидандир.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Жамоа шартномаси — амалда

Республикамизнинг улкан корхоналардан бири «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида жамоа шартномасининг 2013 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамнуният

Жамоа шартномасига кўра иш берувчи томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида корхона бош муҳандиси Алишер Мустафоев маъруза қилди.

Шундан сўнг корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматовнинг ҳисоботи тингланди.

— Таркибимиздаги 24 та цех қўмитаси 4631 нафар аъзони бирлаштирган, — деди у. — Ҳисобот даврида жамоа шартномаси қайта ишлаб чиқилди. Шартнома аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга оид бўлимлар билан тўлдирилди.

Касаба уюшма қўмитаси меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси эҳтиёжидан хабардор бўлиб, уларнинг ҳимоясига етарли даражада эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган йилда никоҳ тўйи бўлган 110 нафар ходимга 91 млн. 847 минг сўм, фарзандларининг суннат тўйи муносабати билан 139 кишига 72 млн. 512 минг сўм моддий ёрдам ажратилди. Байрам саналарида ҳам ижтимоий ҳимоя тадбирлари изчил давом эттирилди.

Ўтган йил касаба уюшма қўмитасига 3917 та ариза тушган бўлиб, мурожаатларнинг барчаси ижобий ечимини топди.

Корхона 98 нафар касаначи билан меҳнат шартномаси тузган. Улар кийим-кечак, қўлқоп ва коржома, кўрпа-тўшак жилдларини тайёрлаб беришмоқда.

Ўтган йилда корхонада Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежи талабалари амалиёт ўташди. Улар ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланди. Ишга қабул қилинаётган коллеж битирувчилари билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномалари тузилиб, меҳнат дафтарчалари очилмоқда. Улар жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоида ва йўриқномалар билан таништирилган, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказилади.

Корхонада фаолият олиб бораётган «Машъал» спорт-соғломлаштириш клуби томонидан ходимлар ўртасида турли мусобақаларни ўтказиш анъанага айлангани диққатга сазовордир.

Сўзга чиққанлар иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлиги ва бунинг натижасида ходимларга бўлаётган эътибордан, яратилаётган шароитдан мамнунликларини билдиришди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қўқон шаҳрида яшовчи Комил Эргашев миллий ҳунармандчилигимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган усталардан бири.

МОҲИР УСТА

Пичоқсозлик бўйича ўзига хос мактаб яратган устанинг мўъжаз устахонаси ҳамиша гавжум. Бу ерда у ўндан зиёд шогирдлари билан турли ўлчам ва кўринишдаги рўзғорбоп ва совғабоп пичоқлар тайёрлайди.

Суратда: уста Комил Эргашев шогирдлари Шоҳруҳ Абдусалимов ва Абдурауф Султонов билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Қишлоқ саноати

Раҳматулло Камолов раҳбарлик қилаётган «Камрах» фермер хўжалиги жамоаси томонидан қадоқланган сут маҳсулотлари тури 20 тадан ошиб кетди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Қўштепа туманларида талаб катта.

Қадоқланган сут

— Келгусида маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чораларини кўряпмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулло Камолов.

Ҳар куни 50 га яқин умумий овқатланиш корхоналари, ресторан, ошхона, мактабгача таълим муассасаларига 3 тоннага яқин сут ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Фермада қорамоллар 300 тадан ошиб кетди. Шу кунларда сутни қайта ишлаш технологиясининг иккинчи босқичини ишга тушириш тадориги кўрилмоқда.

Эътиборли жиҳати, бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилиги тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Маънавият соатлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 24 январдаги «2014 йилда касаба уюшма ташкилотларида «Маънавият соатлари»ни ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган намунавий дастур ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маънавият тарғибот маркази билан қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча бошланғич ташкилотларга етказилди.

Инсоннинг қўш қаноти

Ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари, қабул қилинган қарорлар, қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурларининг аҳамияти ҳақида меҳнаткашлар, айниқса, ёшларга кенг тушунтириш берилмоқда. Жумладан, Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабида «Энг улуғ ва муқаддас мақсад — фарзандлар камоли», Учқўрғон дон маҳсулотлари акционерлик жамиятида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур», «Буюк бобокалонларимиз меросини ўрганамиз», Уйчи туманидаги 18-умумий таълим мактабида «Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг маҳсули» мавзуларидага тадбирлар барчага манзур бўлди. Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, шаҳар, туманлар касаба уюшмалари тармоқ кенгашлари ходимлари учун ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари» ташкил этиляпти. Уларда маънавий юксалиш, қадриятлар, бой тарихимиз ва маданий меросимиз тарғиботи кенг миқёсда олиб борилаяпти.

Тадбирларимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этмоқдалар.

Дилфуза СУЛТОНОВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Миллий

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

1.БАРҲАЁТ МАЪНАВИЙ ОЛАМ

2000 йилнинг бошларида мамлакатимизда туб бурилишлар юз берди, ислоҳотлар натижасида иқтисоднинг ўсиши кўзга ташлана бошлади. Энди одамларни маънавий юксалтириш, ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялаш масаласи кун тартибидан ўрин олди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби бу борадаги қарашларга ойдинлик киритди. Китоб нафақат юртимиз, балки дунёнинг қатор мамлакатларида қизиқиш уйғотди, зеро, инсоннинг маънавий етуклиги ҳамма нарсадан устун, кўнгил билан юртни обод этиш, бу билан дунёни гўзалликка буркаш, ҳар хил ёт ғояларга, инсон турмушига зарар етказувчи бузғунчи қарашларга, хатти-ҳаракатларга ўз пайтида чек қўйиш энг долзарб вазифалардан бири эканлиги аниқ, лўнда ва содда тушунтириб, баён этиб берилган эди. Бу китобни ёш авлод ҳам, катталар ҳам — ҳамма бирдек севиб ўқиди. Унда Амир Темур ҳақида шундай сўзлар бор: *«...Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.*

Шахсан, мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан».

Ана шу гаплардан келиб чиқиб, фонд ўз фаолиятини янада кенгайтиришга, маънавий сабоқларни кўпайтиришга киришди. 2003-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимларида халқимизнинг, ёшларнинг маънавий оламини бойитишга қаратилган чора-тадбирлар, йиғинлар ва амалий ишлар олиб борилди, корхоналар, ҳарбий қисм, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей, мактабларда Амир Темур даври, тарихи ва маданияти, Соҳибқирон давридан қолган илмий-маънавий, маданий меросни ўрганиш ва уни кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш, ёшларимизни кўҳна тарихимиз сабоқлари, миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида тарбиялашга асосланган турли тадбирлар, 75 дан ортиқ илмий-амалий анжуман, давра суҳбати, учрашув ва конференциялар ўтказилди. Шунингдек, Республика телевидениеси, радиоси ва газеталарида ҳам кўплаб чиқишлар уюштирилди.

Мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида яшаётган ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларни улуғ аждодларимизнинг босиб ўтган йўллари ҳақида аниқ фактларга асосланган қўлланма, рисола ва асарлар билан таништириш мақсадида жойларда аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарур эди. Шу мақсадда фонд фаоллари Навоий шаҳрида «Амир Темур сабоқлари» тизимида илмий-амалий анжуманлар ўтказишди. Ва **«Амир Темур танбеҳлари», «Навоий ва Чўлпон», «Абдулланома» «Амир Темур (жизнь и общественно-политическая деятельность)», «Уложение Темура», «Амир Темур сабоқлари» 1-2-3-китоб (илмий анжуман материаллари), «Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари», «Темур тузуклари»(ўзбекча, французча, инглизча), «Темур тузуклари» (русча, форсча),«Темур тузуклари» (ўзбекча), «Амир Темур ва темурийлар молия-пул сиёсати» (2006 й. альбом),«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» - 2-том, 1-қисм, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» - 2-том, 2-қисм, «Амир Темур солномаси» (2008), «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» (Хоразмдаги илмий анжуман материаллари) чоп этилди.**

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида 2009 йилда Республика академик лицей ва коллеж талабалари ўртасида «Амир Темур танлови»ни ўтказиш йўлга қўйилди. Мазкур танловда ёш мусаввирлар ҳам иштирок этиб, Амир Темур ва темурийлар ҳаёти билан боғлиқ расмлари билан иштирок этдилар.

2.«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Тарихда қонунлар ёзиб, давлатни бошқарган ҳукмдорлар бармоқ билан санарли. Амир Темурнинг буюклиги ҳам ана шунда. У ўз пайтида «Тузуклар»га таяниб, ҳокимият жиловини тутди, ҳар жойда, ҳар ерда, ҳар бир ишда адолатга суянди. Шу маънода унинг «Темур тузуклари» жаҳонда жуда қадрланади ва қайта-қайта чоп этилади.

Лекин, афсуслар бўлсинким, мазкур тарихий асарнинг баъзи ўринлари XVII асрдаги таржима жараёнларида ўзгартирилган, бузилган эди, давр эса уларни ўз ўрнига қўйишни талаб этаётган эди. Ана шулар ҳисобга олиниб, 2007-2011 йилларда фонд томонидан йирик темуршунос олимлар билан биргаликда «Темур тузуклари» устида қатъийлик билан иш олиб борилди ва китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида беш минг нусхада чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етказилди.

Китобда Президентимизнинг сўзбошиси берилгани жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Асар тарихимизни, хусусан Амир Темур тарихини севгувчи халқимиз учун катта совға сифатида тақдим этилди.

Тўхтаб қолган «Соҳибқирон юлдузи» газетаси журналга айлантирилиб, уни чоп этиш йўлга қўйилди: айни кунларда Қашқадарё вилояти бўлими томонидан мазкур журнал мунтазам нашр этиб келинмоқда. Унга фондним Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи, шоир Исмоил Тўхтамишев раҳбарлик қилмоқда.

3. ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: *«Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият ва дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир»*, деган сўзларини ўқиймиз ва бу гапда теран маъно борлигини англаймиз. Дарвоқе, бугун Амир Темурнинг маънавий оламини янада кенгроқ тарғиб этиш, оммага етказиш ва шунга муносиб равишда яшаш давр тақозоси эканлигини яхши биламиз. Ва бундай бебаҳо бойликни фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, бутун жамоатчилик, биринчи галда, зиёлилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. 2013 йилнинг 1 мартида фонд конференциясида шу масала асосий мезон сифатида қабул қилингани ҳам бежиз эмас.

Олдимизда Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва Халқаро Амир Темур фондининг 20 йилликларини муносиб кутиб олиш вазифаси турибди.

Ўтган йилнинг август ойида бу борадаги дастлабки йиғилишимиз «Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар тарихининг тадқиқ этилиши, Амир Темур ва темурийлар сиймосининг ўзбек адабиётида, тасвирий санъатда, драматургияда яратилиши ва музей экспозицияларида ёритилиши: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусига бағишланган эди. Ўшанда ҳамкорларимиз 6 та эди, бугунга келиб улар яна 9 тага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий

■ 2014 йил — Соғлом бола йили

Ўсиб келаётган ёш авлодни жиноятчилик йўлига, турли зарарли оқимлар таъсирига кириб қолишдан ҳимоя қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вояга етмаганларга эътибор

Вояга етмаганлар иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири, ота-она эътиборсизлиги эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Фарзандининг вақтини тўғри тақсимлаш, уларни фойдали машғулотларга қизиқтириш ота-онанинг бурчидир. Бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар мавжуд. Биргина ИИВ тизимидаги мавжуд 3712 та милиция таянч пунктларининг 72,8 фоизи атрофида факултатив тўгараклар, 81,5 фоизи атрофида спорт майдончалари барпо этилган.

Сир эмаски, тунги вақтда вояга етмаганларнинг кўнгил очиш жойларига ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс кузатувисиз юбориш турли кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга чек қўйиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, таълим муассасалари, ИИБ профилактика катта инспекторларидан ташкил топган 2669 та мониторинг гуруҳлари фаолият олиб боряпти. Жорий йил мобайнида гуруҳлар томонидан 2723 маротаба рейдлар ўтказилиб, 608 та ресторан, кафе-бар, 123 та тунги клуб, 1053 та компютер зал ва интернет клуб ҳамда 939 та кўнгил очиш жойлари текширилди. Натижада, 249 нафар вояга етмаган шахс мазкур жойларга кузатувчисиз келганлиги аниқланди. 131 нафар кўнгил очиш ва бошқа жойларнинг раҳбарига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188²-моддаси билан иш қўзғатилди.

ИИБ ҳисобига олинган вояга етмаганларга алоҳида устоз-мураббий бириктирилиб, мунтазам тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Таълим муассасаларида учрашувлар, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этиляпти. Шу йилнинг феврал-март ойларида уюштирилган «Диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатлари», «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» каби мавзулардаги учрашувлар болаларда катта қизиқиш уйғотди. Учрашувлар доирасида «Қабоҳат» номли тарбиявий филм намойиш этилди.

Республикамизда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Марказ уйдан қочган, адашиб қолган ёки яна бошқа бир сабабга кўра назоратсиз юрган болаларни қайтариш билан шуғулланади. Боланинг шахси аниқланиб, турар жойи, ота-онаси ёки қариндошлари топилгунга қадар у тиббий кўрикдан ўтказилади. Турар жойини аниқлаш чўзилиб кетганда марказда болаларнинг ўқиши, спорт билан шуғулланиш учун имконият яратилган.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ ҲООББ матбуот котиби,
подполковник

■ Ҳамкорлик

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида

Бугунги кунда турли шаклдаги тадбиркорлик субъектларининг темирйўл транспорти фаолияти ривожига қўшаётган роли ва аҳамиятини ҳисобга олиб, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда.

Инспекциянинг Тошкент филиали ҳудудида ўттизга яқин хўжалик юритиш субъектлари фаолият юритиб, темирйўл ва ҳаракат таркибларини таъмирлаш билан шуғулланишмоқда. Шу боис кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида профилактик тадбирлар ва семинар машғулотлар ўтказиш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Тадбирларда темирйўллардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўймаслик ва поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, инспекциянинг Тошкент филиалида январ ойида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Унда «Тошкент-тола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «UMID IJARA SERVIS» ва «КИЙИМ» масъулияти чекланган жамиятлари, «Ўзэлектроаппарат-электрошит» очиқ ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси, «Тошкент қувур заводи» қўшма корхонаси, «Норуда — Сергели», «Sifeo international», «UZAGROTECHSERVIS» масъулияти чекланган жамиятлари, «Қуюв механика заводи» шўъба корхонаси, «ФАЙЗ» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси каби жамоа вакиллари иштирок этишди. Учрашувларда ҳар бир ташкилотдаги темирйўл тизимида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш юзасидан назарий ҳамда амалий ёрдамлар берилди. Бўлимда «Ишонч телефони» ташкил этилган бўлиб, фуқароларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш ва уларни ўз вақтида кўриб чиқиш уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Микрофирмалар, кичик корхона ва тадбиркорлик субъектларида кадрларни ўқитиш сифатига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бу корхоналарни меъёрий ҳужжатлар, зарур йўриқномалар ва темирйўл транспортидан фойдаланишга оид кўргазмали қуроллар билан таъминлашга алоҳида аҳамият бериляпти.

Ҳусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг
Тошкент филиали бошлиғи

Нишон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Талимаржон шаҳар шифохонасида 5 та бўлим бўлиб, уларда 150 нафарга яқин тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлиги йўлида самарали иш олиб бормоқда. Улардан бири болалар шифокори, неонатолог Хушвақт Хонназаровдир. У мана, ўттиз йилдан ошдики, болаларнинг қўли енгил шифокори сифатида элнинг дуосини олиб келаётир. Фарида Абдикаримова, Санобар Аҳмедова, Авазхол Йўлдошева, Манзура Худойбердиева, Замира Ражабова каби тиббий ходимлари бу инсонни ўзларига устоз деб биладилар.

Суратда: *Хушвақт Хонназаров тиббиёт ҳамшираси Замира Ражабова билан янги туғилган чақалоқни кўрикдан ўтказмоқда.*

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

Ғурур тимсоли

Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Абдуғафур Маматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси аъзолари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бошчилигида ташриф буюрган ёзувчилар, Ўзбекистон Бадиий академияси бош илмий котиби, тарих фанлари доктори А.Мадраимов, рассомлар, санъатшунослар, маданиятшунослар, театршунослар, Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов, «Олтин мерос» жамоат фонди раиси Амирқул Карим, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Шуҳрат Ризаев ва темуршунос олимлар семинарларимизда иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва амалий ишлари билан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Мана бу мушоҳадаларга қулоқ тутинг-а:

Абдуғафур МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Ҳақиқатан ҳам, Темурийлар даврини ўрганиш кўплаб янгидан-янги илмий изланишлар олиб боришга етарли асос бўлади. Миллий тикланиш партиясининг мақсад-вазифаси ёшларни тарихий-маданий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва миллий мафкура асосида вояга етказишдир. Айнан шунинг учун ҳам ушбу тадбирлар мавзуси бевосита партиямиз дастурига киради. Биз буни жойлардаги вакилларимизга ҳам етказамиз. Фракциямиздаги 31 та депутат округида муҳокама қиламиз. Анжуман иши Миллий тикланиш партиясининг режаларидан ўрин олади.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси:

— Миллий тикланиш деганда биринчи бўлиб кўз ўнгимизда Амир Темур сиймоси гавдаланади. Ва бежиз эмаски, йил сайин Амир Темур ва Темурийлар тарихи, санъати, маданиятини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши, Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларида Амир Темур ҳайкалларининг қад кўтариши, Темурийлар тарихи Давлат музейидек кошонанинг бунёд этилиши ўзликни англашнинг бир кўриниши бўлди. Лекин ҳали олдимизда бир қатор жиддий вазифалар турибди. Бугун қайси бир ташкилотнинг маънавий тадбирига бормайлик, барчасида бир хил савол: Амир Темур ҳақида фильм, сериаллар ҳақида сўралади. Бу борада етук режиссёрларимиз, рассомларимиз, драматургларимизнинг меҳнатлари талаб этилади. Ҳаттоки, Англия Қироллик театри ўзининг мавсумини Кристофер Марлонинг «Амир Темур» пьесаси билан бошлайди. Бизда ана шундай шоҳ асарларни яратиш вақти келмадимикан?! Ҳозирги кунда театрларимизда Амир Темур ҳақидаги пьесалар жуда кам. Тўғри, тарихий шахслар ҳақидаги асарларни ёзиш бир мунча қийин, лекин биз оммага Амир Темур сиймосини ҳаққоний тарзда ифодалаб бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан мунтазам равишда танловлар ўтказиш, қатнашчиларини рағбатлантириш керак. Бу танловда ёш ижодкорлар, адабиёт, санъат ва бошқа соҳа вакилларининг жалб қилиниши ҳам фойдадан холи эмас.

Шуҳрат РИЗАЕВ,
«Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири:

— Японлар билан мўғулларнинг ҳамкорликдаги Чингизхон ҳақидаги филмини кўриб, тўғриси, ёқа ушладим. Филм шунақанги маромига етказилиб ишланганки, қонхўр, зулмкор бу инсон маърифатпарвар, эзгулик элчиси қилиб тасвирланган. Шу-шу биз зиёлилар Соҳибқирон Амир Темур юбилейига нима билан келамиз, деган ўй мени безовта қилмоқда. Нега энди ҳозирги техника юксак даражада ривожланган бир даврда буюк, шоҳ асарлар яратилмаяпти?! Бизда шунақанги видеофильмларни ёзадиган ижодкорлар йўқми?!

Миллат манфаати учун ҳаммамиз масъулмиз. Бунинг бошида зиёлиларимиз туриши керак. Амир Темур ҳақида филмлар, спектакллар яратишимиз керак.

Болаларни боғчалик пайтидаёқ музейларга олиб боришни йўлга қўйиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

А.МАДРАИМОВ,
Ўзбекистон Бадиий Академияси бош илмий котиби, тарих фанлари доктори:

— Рассомларимиз Амир Темурга бағишланган кўп асарлар яратганлар. Бунинг учун уларга ташаккур билдирамиз, албатта. Лекин тасвирий санъатда, адабиётда, бир мавзуни қайта-қайта ишлаш мумкин. Мисол учун, бир суратда Бобур Мирзо сиймоси миниатюрадан олинган. Буни кўплаб тасвирий асарларда сезамиз. Таклифим, тарихга оид асар яратилаётганда ёзувчи, рассом, санъатшунос ва бошқа соҳа вакиллари жамоавий бўлиб ишлашса.

Тўғри-да, Амир Темур нафақат Марказий Осиёни, балки Эрон, Россияни ҳам босқинчилар зулмидан қутқарган буюк шахс-да!

Ҳозирги кунда Ҳиндистонда «Бобур фарзандлари» деган асар ёзилди ва шу асосида спектакл намойиш этилмоқда. Бу асар асосида Андижон театрида спектакл қўйишни режалаштирганмиз.

* * *

Жамоатчилик фикрларини тинглаб туриб, энди мақсадни аниқ қўйган ҳолда олдимизда турган муаммолар ечимини жадаллаштиришимиз керак, деган тўхтамга келдик ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фаоллари билан Халқаро Амир Темур фонди ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, олимлар, тадқиқотчилар, адиб ва мўйқалам усталари ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятларда учрашувлар, йиғинлар ташкил этишни режалаштиришга, ўзбек адабиётида Амир Темур ва темурийлар ҳақида бадиий, публицистик, шеърий асарлар яратишни ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг тадқиқотларини давом эттириш ва уларни семинарларимиз давомида муҳокама этиш таклифини, шунингдек, кенг жамоатчилик фикрларини инобатга олиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан энг яхши бадиий, публицистик, шеърий асарларни чоп этишни, Ўзбекистон Фанлар академияси, Бадиий академия, Бобур номидаги халқаро фонд билан ҳамкорликда Темурий шаҳзодалар ҳамда ўша давр таниқли шахсларининг яратилган сиймоларини семинарларимизда муҳокама этиб боришни кўзда тутдик. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон журналистлари уюшмаси билан ҳамкорликда 2014 йил сентябр ойида ўтказиладиган семинаримизда шу соҳаларга оид масалаларни кўриб чиқиш ҳам режалаштирилди. Бир сўз билан айтганда, Ватан олдида, улуғ сиймоларимиз олдида барчамиз бирдек масъулмиз.

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги Халқаро фонд раиси:

— Етти-саккиз йил аввал Азиза Маматова Заҳириддин Муҳаммад Бобур суратини чизган эди. Малик Набиевнинг Бобур Мирзо портретига тўхталсак, унда паҳлавон, жанговар, кучли, ботир кўринишдаги инсон тасвири кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мана шу асарни жангдами, боғдами яхлит бир асар қилиб ишласак бўлади-ку. Ахир Ўзбекистонда кутубхоналарда, музейларда Бобур Мирзо ҳақида библиографиялар мавжуд. Ҳозирги кунда олимларимиз Москвада ўтириб МДҲ бўйича ҳам Бобур Мирзо библиографиясини ҳам яратишмоқда.

Охирги 3-4 йил ичида Қирғизистон, Россия, Кавказ орти давлатларига сафарда бўлдик. Шу сафарлар натижасида Қамчибек Кенжанинг «Буюк Соҳибқирон ўтган йўллари» асари чиқди. Қаерга бормайлик, Амир Темур кўчаси мавжудлиги бизда катта таассурот қолдирди. Яна бир қизиқарлиси, Россиянинг Самара шаҳрида «Амир Темур билан Тўхтамишнинг жанги» фестивали ўтказилар, Мудофаа вазирлиги бунинг учун маблағ ажратар, ҳарбийлар отлар билан таъминланар экан.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Халқаро Амир Темур хайрия фонди бошқаруви раиси, Темурийлар тарихи давлат музейи директори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 6 май куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.07.2013 йилдаги 10-1306/10376 (19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Zero Plyus» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 28.03.2014 йилдаги 8-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 01.04.2014 йилдаги 110-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 13-массив, А.Дониш кўчаси «Юнусобод деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган умумий майдони 9,0 кв.метр, қурилиш майдони 9,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 26 100 000 (Йигирма олти миллион бир юз минг) сўм бўлган савдо дўкон биноси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 6 май куни соат 12-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилояти Хўжалик судининг 27.11.2013 йилдаги 11-1331/11798-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Fruktoza-Plyus» фермер хўжалиги кредиторларининг 02.04.2014 йилдаги 2-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 03.04.2014 йилдаги 25-СУ-сонли буюртмасига асосан фермер хўжалиги ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси 274 800 000 (Икки юз етмиш тўрт миллион саккиз юз минг) сўмдан иборат бўлган мол-мулклари (гишт ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари ҳамда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи) мужассам ҳолда мулклар жамланмаси сифатида қўйилмоқда.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: *www.rcg.uz e-mail:* rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 6 май куни соат 11-00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга «Бухорогипс» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг 02.04.2014 йилдаги 169-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидаги кўчмас мулк объектлари бошланғич баҳоси 10 фоизга пасайтирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Бухоро вилояти Когон тумани Амиробод қўрғони манзилида жойлашган умумий ер майдони 60 100,0 кв.метр, қурилиш майдони 3 366,76 кв.метр бўлган оҳак заводининг ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 320 179 500 сўм.**

2-ЛОТ. Бухоро вилояти Когон шаҳар Дўстлик кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 7 866,0 кв.метр, қурилиш майдони 1 333,43 кв.метр бўлган 2-қаватли тикув цехи бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 256 424 130 сўм.**

Изоҳ: Савдо ғолиби томонидан мулк сотилиш қийматининг 2 % (икки фоизи) миқдоридаги «Аукцион ташкилотчиси»нинг хизмат ҳақкиси алоҳида тўланади.

Закалат тулови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali, х/р: 20208000500234536002, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Бухоро минтақавий филиали МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан сотувчи иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси - «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali

Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 365 221-59-24.

Интернетдаги манзилимиз: *www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru.*

Хизматлар лицензияланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 5 май кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Қори Ниёзий кўчасини реконструкция қилиш 2-босқич (Қори Ниёзий-Бозорбоши кўчалари чорраҳасидан 4К-919 «Жўйдам-Бешбола» автойўлининг 2 км. гача)».

Бошланғич нархи — **9 291 846 649 сўм ҚҚС билан; 7 743 205 541 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **20.08.2014 й.**

Қурилиш ишлари: **Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

2.«Фарғона вилояти Марғилон шаҳри М.Узақов номидаги истироҳат боғини ободонлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари».

Бошланғич нархи — **1 808 879 317 сўм ҚҚС билан; 1 507 399 431 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **60 кун.**

3. ЛОТ-1.

ЛОТ-1.1 «Фарғона вилояти Марғилон шаҳри М.Узақов номидаги истироҳат боғи ҳудудида рангли мусиқали фаввора қурилиши».

Бошланғич нархи — **502 741 651 сўм ҚҚС билан; 418 951 376 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ-1.2 «Фарғона вилояти Марғилон шаҳри М.Узақов номидаги истироҳат боғи ҳудудида амфитеатр қурилиши».

Бошланғич нархи — **558 522 895 сўм ҚҚС билан; 465 735 746 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **1.07.2014 йил.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, тел.(373) -401-52-06.401-52-01.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 373-244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37- уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 5-aprel № 43 (3392)

Қорақалпоғистон Республикасидаги Беруний енгил саноат касб-ҳунар коллежида мингдан зиёд йигит-қиз тикув ва трикотаж буюмларини бичиш-тикиш, пайвандлаш жиҳозлари механиги, радио-техника ва телеаппаратураларни таъмирлаш, компютер ва компютер тармоқларини созлаш, бухгалтерия ҳисоби каби ўнга яқин мутахассислик бўйича билим олмоқда.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини самарали ўтказиши учун умумтаълим фанлари ва ҳунармандчилик бўйича ўндан зиёд, спорт йўналишида олти тўгарак ташкил этилган.

Суратда: *Беруний енгил саноат касб-ҳунар коллежида.*

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Анъана

1948 йилдан бери 7 апрел бутун дунёда Сиҳат-саломатлик куни сифатида нишонланади.

ИҚТИДОРЛАР ОРАМИЗДА

Коллежимизда бир неча йилдирки, шу муносабат билан ўқувчилар ўртасида илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Ўқув йили бошида фан ўқитувчиси иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, мавзу танлайди ва ана шу мавзу бўйича йил давомида илмий изланиш олиб борилиб, хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Илмий-амалий конференция маърузалари Наманган Давлат университети ҳамда Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳи профессор-ўқитувчилари томонидан баҳолаб борилади ва энг яхши деб топилган, юқори натижаларга эришган маъруза оммавий ахборот воситаларида ёритилади ҳамда тақдимотчилар коллеж маъмурияти томонидан тақдирланади.

Раъно ИНАТУЛЛАЕВА, Чортоқ тиббиёт коллежи ўқитувчиси

РЕКЛАМА ЎРНИДА

AGROBANK

Жаннатмонанд диёримизнинг қай гўшасига борманг, боғу роғлар, унумдор далалар ястаниб ётади. Заминимизда етиштирилаётган сархил мева ва сабзавотлар дунёга машҳур. Шу боис ҳам томорқадан унумли фойдаланишга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Фидойи одамларимизнинг меҳри, меҳнати ва тупроғимизнинг сеҳрли кучи бирлашса, ноз-неъматлар бисёр бўлиши шубҳасиз.

Боғ — умр зийнати

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 ноябрдаги «Республикада янги боғ-токзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш, яроқсиз боғ-токзорларни реконструкция қилиш» тўғрисидаги йиғилиш баёнига асосан «Агробанк» ОАТБ Андижон вилоят бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига интенсив боғдорчиликни ривожлантириш учун кредит маблағлари ажратилди.

Томорқадан унумли фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаммадисо ШАРИПОВ, «Меърож» фермер хўжалиги раҳбари:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта.

Мен ўтган йиллар давомида боғдорчилик йўналиши бўйича интенсив боғ ташкил этиш мақсадида «Агробанк»нинг Марҳамат тумани филиалига мурожаат этдим. Банк мутахассислари лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, 195 млн. сўм миқдорида кредит маблағини ажратишди. Ҳозир тасарруфимда 13 гектар боғ мавжуд. Унда 8 мингта мевали кўчатлар парвариш қилинмоқда. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида 5 нафар киши иш билан таъминланди.

Муҳаммадиброҳим САТИМОВ, «Хўжаобод олтин олмалари» фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимизда тадбиркорлар учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилган. Мен ҳам юртимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшиш, бозорларимизни сархил мевалар билан тўлдириш мақсадида боғ яратиш режасини тузишга киришдим. Айтишади-ку боғ инсоннинг умр зийнати деб. Аввало, ишни бошлаш учун менга моддий кўмак зарур эди. Пухта режа асосида тайёрланган бизнес лойиҳамни банкнинг Хўжаобод филиалига тақдим этдим. Лойиҳам маъқуллангач, менга 120 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Ҳозирда туманнинг адирли ҳудудларида 12 гектар боғ барпо этганмиз. Бугун бу ерда баравж ривожланаётган 10 минг туп мевали ниҳоллар эртага бозорларимиз тўкинлигини таъминлаб, рўзғоримизга қут-барака киритади.

Ишимизни замонавий ва тежамкор технологияга асосланиб ташкил этганмиз. Боғ яратишдек орзумиз ушалишида ёрдам берган банк ходимларидан мамнунмиз.

Аброр ЮЛДАШЕВ, «Кўҳна дала сардори» фермер хўжалиги раҳбари:

— Бугун ташкил қилинган боғ-роғлар эртага юрт чиройига чирой қўшади. Экологияни яхшилайди. Боғбону соҳибкорлар даромадига даромад қўшади. Айрим мамлакатларда йилдан-йилга озиқ-овқат танқислиги кучайиб бораётган бир пайтда бу ишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Асака тумани вилоятнинг боғдорчиликка ихтисослаштирилган туманларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжалигимиз ғалла ва боғдорчилик билан шуғулланади. Еримизнинг 5 гектар майдонида янги боғ яратиш мақсадида 6 минг туп пакана ва ярим пакана ҳосилдор мевали кўчатлар сотиб олиш учун банкнинг Асака филиалидан 45 млн. сўм кредит маблағини олдик. Лойиҳа амалга ошгач, 3 киши ишли бўлди.

Бу каби амалий ишлар, албатта, ўзининг улкан самараларини беради. Бинобарин, томорқадан олинадиган даромад аҳоли фаровонлиги ва бозорларимиз тўкинчилигини таъминлабгина қолмай, мамлакатимиз валюта захирасини бойитишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Муқобил энергия

Сурхондарё вилоятидаги корхона ва ташкилотларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилаяпти.

ҚВПларда қуёш батареялари

«Жончекка» Узун туманининг олис қишлоқларидан бири. Аҳолининг соғлигини мустаҳкамлашда ҚВП ходимларининг хизмати беқиёс. Тажрибали шифокор Б.Тўрахонов бошлиқ тиббиёт ходимлари 3400 нафардан ортиқ қишлоқ аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. ҚВПда яна бир қулайлик яратилди. Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг амалий ёрдами билан эҳтиёт чора сифатида қишлоқ шифо масканида қуёш батареяси ўрнатилди.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, ўтган икки йил орасида воҳанинг чекка ҳудудлари ҳисобланган Қумқўрғон туманидаги «Хўжамулки», Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш», Денов туманидаги «Мустақиллик», «Бодиҳаво», Сариосиё туманидаги «Дўстлик», Бойсун туманидаги «Чилонзор» қишлоқ врачлик пунктларига қуёш батареялари ўрнатилди. Эндиликда мазкур муассасаларда электр қуввати билан ишловчи тиббий жиҳозлардан узлуксиз фойдаланиш имконияти яратилган.

Жорий йилда қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмаларини бошқа қишлоқ врачлик пунктларида ҳам ўрнатиш кўзда тутилган.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Антиқа танлов

Гўзаллар гўзали

Ўрта Осиёлик хотин-қизлар сайёрамиздаги энг гўзал аёллар дея тан олинди. Олимлар бундай хулосага чиройли одамлар яшайдиган ҳудудларни аниқлаш бўйича National Geographic ва BBC буюртмасига асосан ўтказилган тадқиқотлардан сўнг келишган.

Тадқиқотлар жараёнидан дунёда мавжуд мамлакатларнинг ҳар биридан мингдан ортиқ эркаклар сўровдан ўтказилган. Иштирокчилар 200 мамлакатдан тақдим этилган юзтадан хотин-қизнинг суратига баҳо беришди. Жараёнда минтақамиздан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон аёлларининг сурати кўздан кечирилган. Аёлнинг миллати ва ёши чегараланмади. 99 фоиз Ўрта осиёлик эркаклар ўзимизнинг аёлларни энг чиройли, деб баҳолашди. Бошқа мамлакатлар эркакларидан 51 фоизининг фикри ҳам шундай бўлиб чиқди. Бундан ташқари, олимлар сўров натижасини гўзалликнинг умум тан олинган ва замонавий нормалари билан солиштирган. Бироқ натижа шунда ҳам ўзгармаганлиги эътиборга лойиқ.

— Бу ўзига хос тажриба, — деди тадқиқот гуруҳининг раҳбари Фенимор Моралез. — Чунки сўровда оддий одамлар — Facebook ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари иштирок этди. Иштирокчилар суратларга учта — «чиройли», «ёқимтой» ва «ўртача» категориялари бўйича баҳо бериши керак эди. Ўрта осиёлик аёлларнинг сурати энг кўп овоз олди. Фоиз ҳисобида бу 4,8 ни ташкил қилди. Кейинги ўринлар 4,63 фоиз овоз олган Россия, Белоруссия, Украина минтақасидаги аёлларга насиб этди. Бразилияликлар — 4,11, италияликлар — 4,02, кубаликлар — 4,01 коэффицент билан етакчи аёллар сафидан жой олишди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

«Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2008 йил 22 ноябрда берилган лицензияга асосан фаолият юритмоқда.

Тараққиёт — фаровонлик демакдир

Йирик корпоратив мижозлар, кичик бизнес субъектлари ва аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган «Invest Finance Bank»нинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ўзига хос ўрни бор. Хусусан, реал секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор йирик ва социал характерга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштироки билан мижозлар ўртасида ҳурмат қозонган. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётганлигини таъкидлаган ҳолда, банк учун, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аёл тадбиркорлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан ҳисобланишини қайд этиш лозим.

Банк томонидан 2013 йил якунлари бўйича ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ, сервис, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқ субъектларига 145,7 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шунинг 72 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Муҳаммаджон ТУРҒУНОВ, коллеж битирувчиси:

— Давлатимиз раҳбари томонидан янги авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қулай шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу ўринда тижорат банкларининг касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бизнес лойиҳалари имкон борича тезроқ ҳаётга татбиқ этилиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошираётганини мамнуният билан эътироф этиш жоиз.

Мен ҳам яратилаётган қулай имкониятлардан илҳомланиб, «KELAJAK OMAD YOG'DUSI» МЧЖ ташкил этиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш бўйича бизнес режамни «Invest Finance Bank» ХОАТБнинг Зангиота филиалига тақдим этдим. Бизнес режам маъқуллангач, олинган кредит маблағи ҳисобига Ўртаовул қўрғони ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини бошладик. Шу тариқа касб-ҳунар коллежларини битирган ўн тўрт нафар йигит-қиз учун ҳам бандлик муаммоси ҳал бўлди.

Машкура РАЗЗОҚОВА, хусусий тадбиркор:

— Тадбиркорлик соҳасида яратилаётган кўплаб кафолат ва имтиёзлар айниқса, аёллар тадбиркорлигига кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Дилимда йиғилиб қолган орзуларим ушалсин учун яхши ниятлар билан «Invest Finance Bank» ХОАТБнинг Зангиота филиалидан кредит олдим ҳамда тез орада чинни буюмлари ва сирланган идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бунинг натижасида оиламизнинг турмуш фаровонлиги ошди. Молиявий имкониятларимиз кенгайгач, сопол идиш ва стол лампаларини ишлаб чиқаришни бошладик. Келажакда тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириб, қишлоғимизда қўшимча иш ўринларини яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Илҳом УСМАНОВ, Тошкент вилоятидаги «QIBRAY MO'JIZA PARRANDA» хусусий корхонаси раҳбари:

— Паррандачиликни «етти хазинанинг бири» деб бежиз айтишмайди. Бироз диққат-эътибор, иштиёқ, меҳр бўлса кифоя. Кўп фурсат ўтмай тухум ва парранда гўштидек тансиқ неъматларга эга бўласиз.

Банклар томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун кўплаб қулай имконият ва имтиёзлар яратилган. Мен ҳам ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйиш мақсадида бизнес лойиҳа ишлаб чиқдим ва лойиҳамни «Invest Finance Bank» ХОАТБнинг Тошкент вилояти филиалига ҳавола этдим. Банк ходимлари лойиҳамни ўрганиб чиқиб, 48 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратишди. Айни пайтда корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда.

Дониёр СУЯРҚУЛОВ, Тошкент вилоятидаги «Shifo Said Dent» хусусий корхонаси раҳбари:

— Банк тизимининг молиявий кўмаги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борган сари иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинига айланмоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт йўли тўғри танланганидан яна бир далолатдир.

Ўтган йили «Invest Finance Bank» ХОАТБнинг Тошкент вилояти филиалидан 12,1 млн. сўм кредит олиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун чет элда ишлаб чиқарилган стоматологик асбоб-ускуналар сотиб олдик. Бунинг натижасида аҳолига юқори даражада сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони туғилди. Одамларнинг биргина «раҳмат» сўзи янги-янги режаларга ундамоқда. Бунда яна банк бизга кўмакка келишига ишончимиз комил.

Ўз мухбиримиз

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.30
Topshirildi - 19.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 418 | 20903 nusxada bosildi | 2345